

Мазҳабларнинг фикҳда ривожланиш босқичи



13:00 / 30.11.2021 1592

Уммати Муҳаммадияни фикҳий аҳкомларда тўрт мазҳаб имомларига эргашиш билан чеклангани сабаблари:

Тўрт мазҳаб имомлари эътимод қилган, суянган усуллар бошқаларнинг усулларидан кўра мустаҳкамроқ ва дақиқроқ эди.

Демак, ҳар бир ҳукмларни чиқаришда эътимод қиладиган усул билан ижтиҳодни даъво қилувчи учун қуйидаги шарт мужассам бўлиши лозимдир.

Мужтаҳид ҳукмларни ишлаб чиқишда Қуръон насларидан (шаръий матн), набавий ҳадислардан ва саҳобаларнинг асарларидан ҳамда фуқаҳолар иттифоқ қилган шаръий ҳукм олишдаги истинботларда, умумийлик ва хослик бўлган масалалар ўртасини мувофиқлаштирадиган қоидаларга муҳтож бўлади.

Шунингдек, зоҳиран қарама-қарши кўринган масалаларни ечишда ҳам шу қоидаларга эҳтиёжи бўлади.

Ҳанафий фикҳи куллиясидан.

Изоҳ: «Истинбот» сўзи луғатда «ер қаъридан сув чиқариш» маъносини англатади.

Диний илмларда эса, шаръий далиллардан шаръий ҳукмларни чиқариш «истинбот» дейилади.

Манбалар асосида тайёрланди